

МАРСИЯ

*(Устозларим, маслаҳатгуйларим,
дардкаишларим – Умарали Норматов ва
Ермат Тожиєвга)*

Акаларим кетди ташлаб,
Бағрим тиглаб, кузим ёшлаб,
Сунгги манзил томон йулни,
Иккалови бирдан бошлаб.

Улар менинг гулим эди,
Суҳбатлари сулим эди,
Бустонларим пайхон қилиб,
Бузиб кетди улим, энди.

Устозларим, суянч тоғим,
Ишонганим ҳам уртоғим.
Маслаҳатлар олар эдим,
Ғамга ботиб қолган чоғим.

Куриб турсам, кунглим кулар,
Қалбга қувват эди улар.

Энди кимга дардим айтиб,
Аритгайман ғам-қайгулар?!

Ким акалик килар энди?!
Ким ҳам кадрим билар энди?!
Армон тошиб юрагимдан,
Багирларим тилар энди...

Нимагадир чоғиняпман,
Ҳалитданоқ соғиняпман.
Қандай ука бўлдим, ахир,
Уз-ўзимдан оғриняпман.

Тўлдирдимми улар бағрин,
Билдиммикан, ахир, кадрин,
Энди таскин берармикан,
Йиглаб аста кучсам қабрин...

Раҳим қилгил, эй Аллоҳим,
Юпанч бергин, тиндир оҳим,
Уларда ҳам қусур бордир,
Кўпдир менинг ҳам гуноҳим,

Аммо, покдир бизда иймон,
Албатта, бу Сенга аён.
Мўминликнинг ҳурматида,
Бизларга бер афвдан баён.

Ёлвораман, қийнама ҳеч,
Гуноҳимиз баридан кеч,
Қалбни эзиб турган ғамлар
Тугунларин бирма-бир еч.

Иймониини чўгдек тутган,
Дардларини ичга ютган,
Тугён қилса пок юраги,
Зикру тасбиҳ-ла овутган...

Лоқайд бўлмай ҳеч бир жонга,
Дардкаш бўлиб ҳар инсонга,
Ҳақ тарафда туриб ҳар дам,
Содик қолдилар виждонга...

Дунё излаб турмадилар,
Эгри йўлдан юрмадилар,
Сонсиз китоб ёзиб кетиб,
Битта уй ҳам қурмадилар...

Улар илмин билди фақат,
Чин олимлик қилди фақат,
Ноҳақликка дуч келганда,
Уз бағрини тилди фақат...

Яхши олим, яхши устоз,
Яхши дўст ҳам, яхши ҳамроз,
Яхши эр ва яхши ота...
Қанча бўлса, қамдир эъзоз...

Сен биласан қадрларин,
Қурсатиб қуй тақдирларин.
Жаннатингга дохил этиб,
Нурга тўлдир қабрларин.

Шахобиддин ОДИЛОВ,
филолог